



ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Оринбетов Н.Т.

*доцент вазифасини бажарувчи
Нукус давлат педагогика институти*

Таянч сўзлар: қонун, ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, қонун, ҳуқуқ, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий саводхонлик, қонун устуворлиги.

Ключевые слова: закон, право, правосознание, правовая культура, закон, право, юридическое образование, юридическое воспитание, правовая грамотность, верховенство закона.

Key words: law, legal, legal consciousness, legal culture, law, right, legal education, legal nurturing, legal literacy, the rule of law.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса академик лицей ва мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда дарсдан ташқари ишлар ва унинг аҳамияти ҳақида сўз этилади.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматриваются о внеклассных работах и их значении в повышении правового сознания и правовой культуры, особенно в повышении правовой грамотности учащихся академических лицеев и школ.

SUMMARY:

This article discusses extracurricular activities and their importance in raising legal consciousness and legal culture in society, especially in increasing the legal literacy of academic lyceum and school students.

Ёшларимизнинг фуқаролик жамиятига тегишли билимларини давомли тарзда ошириб бориш, сиёсий-ҳуқуқий онгини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик шароитларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон-2030 стратегиясида «Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш» каби муҳим вазифалар белгилаб берилди [1]. Бу ёшларнинг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини

тубдан такомиллаштиришни талаб қилади. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини такомиллаштиришда, уларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришларига мос равишда ҳуқуқий билимларини оширишда таълим муассасаларининг ўрни катта. Сабаби, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишда, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий олиб борилишига боғлиқ. Ҳуқуқий билимлар сиёсий савияни кенгайтиради, эътиқодлар шаклланишига, ҳаётдаги ҳуқуқий ҳодисаларни туғри тушуниш, ҳуқуқий талабларга онгли равишда риоя этиш, барча фуқароларнинг ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш учун фаол курашишга кўмаклашади. Таълим муассасасида педагоглар ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини, ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб, Конституциянинг муҳим жиҳатларини ўргатишади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда таълим муассасаларида ўтиладиган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанининг роли катта. Фанни ўргатишдан мақсад - ўқувчиларга давлат ва ҳуқуқ тўғрисида яхлит тасаввурни, давлат асосий функциялари ва органлари, ҳуқуқ принциплари ва меъёрлари, давлат ва ҳуқуқнинг демократик жамият қуришдаги, ижтимоий жараёнларни бошқаришдаги роли, қонунчилик хусусидаги билимлар тизимини беришдан иборатдир. Фан орқали ўқувчиларга давлат рамзлари, қонун, ҳуқуқ ва бурч, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, конституция моддалари, давлат ҳокимият идоралари ва ҳоказо билимлар теран ўргатилиш асосида уларда қонунларга ҳурмат туйғусини шакллантириб, ҳуқуқий маданиятини юксалтиради. Лекин, фақат ҳуқуқшуносликка оид дарсликлар билан чекланиб қолмасдан, дарсдан ташқари ишлар орқали ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантириб бориш керак. Ҳар бир педагогнинг дарсдан ташқари вақтлари ўқувчилар билан бирга ишлаши катта аҳамиятга эга. Сабаби, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни фақат дарс вақтида тўлиқ амалга оширишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам, дарсдан ташқари ишлар жуда муҳим. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича дарсдан ташқари ишлар деганда, фан тўғарақларида дарсдан ташқари вақтлари бевосита фан ўқитувчиси томонидан режа асосида, аниқ мақсадни кўзлаб, ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини ҳисобга олиб, ташкиллаштириладиган назарий ва амалий топшириқлар назарда тутилади. Дарсдан ташқари ишларнинг мақсади ва вазифалари фан ўқитувчиси томонидан белгиланади. Ўқитувчи ишнинг мақсадини белгилашда гуруҳдаги ўқувчиларнинг билим даражасига, уларнинг фанга қизиқишига эътибор қаратиши керак. Шунингдек, ўқувчиларда амалий кўнликмаларни шакллантириш ва касбга йўналтириш вазифалари ишнинг мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Дарсдан



ташқари ишларнинг мавзусини ва мазмунини танглашда ўқитувчи ўқувчиларнинг фан буйича тўлиқ билимга эга эмаслигини, мустақил иш олиб бориш қобилияти етарли даражада бўлмаганлигини ва уларнинг ёш хусусиятига қараб, илмийлигига эмас, унинг амалиятига эътибор бериши зарур. Дарсдан ташқари ишлар орқали ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини, ҳуқуқий саводхонлигини такомиллаштиришга эришилади. Дарсдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, билим ва қўникмаларини мустаҳкамлайди. Лекин, айрим мактабларда, академик лицейларда дарсдан ташқари ишлар номига тўзилиб, иш-режаларида қоғоз юзида қолиб кетканликдан сифати талаб даражасида эмас. Ҳар бир мактаб ёки академик лицейларда дарсдан ташқари ишларнинг самарасини оширишнинг мустаҳкам механизминини шакллантириш ва жорий этиш лозим. Дарсдан ташқари ишларда одатта дарслар миннатли равишда, ўқувчиларнинг доимий таркиби ва қатъий дарс жадвали асосида ташкиллаштирилади. Бу ишлар дарсдан бўш вақтлари ўқувчиларнинг хоҳиши бўйича эркин турда ўтказилади, унга ҳар хил гуруҳ ўқувчилари да қатнашиши мумкин. Дарсдан ташқари ишлар фан тўғарақлари, фан клублари, олимпиада, танловлар орқали юритилади [2, 224-б].

Мактаб, академик лицейларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани буйича «Ёш ҳуқуқшунослар» ёки «Ёш юристлар» сингари тўғарақлар ташкил этилиб, улар ўз иш-режасига вояга етмаганларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтирадиган тадбирларни киргизиши ва амалда бажариши керак. Фан тўғарақларидан ташқари ҳуқуқ йўналишидаги клублар орқали ҳам ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ривожлантирса бўлади. Клублар одатда ижтимоий субъектларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари асосида турли йўналишларда ташкил этилади. Таълим олувчилар ўртасида ташкил этиладиган клублар ҳам уларни муайян қизиқиш, хоҳиш-истак асосида бир нуқтага жамлашга хизмат қилади. Ҳуқуқ йўналишидаги клублар ўқувчиларнинг ҳуқуқ соҳаси бўйича қизиқиш, хоҳиш-истаклари асосида ташкил этилади. Шунингдек, ёшларда ҳуқуқий саводхонликни юксалтиришда кўрик-танловларнинг ўрни катта. Республика ёшлари орасида ҳуқуқий таълим-тарбияни чуқурлаштириш, жамиятда қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқий-сиёсий ислохотлар аҳамиятини ёш авлодга тушунтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуришда ёшларнинг иштирокини таъминлаш, ёшларни ҳуқуқ ва қонунларга ҳурмат туйғусида тарбиялаш, уларда она Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, жиноятчилик иллатларини камайтириш ва бутунлай бартараф этиш мақсадида ҳар йили академик

лицей ўқувчилари орасида «Сиз қонунни биласиз ми?» кўрик-танлови ўтказилади. Бу кўрик-танловда ҳар йили бир қанша ёшлар иштирок этиб, ўз ҳуқуқий маданиятини ошираётгани диққатга сазовор.

Мактабларда ва академик лицейларда иқтидорли ёшлар билан бирга дарсларни ўзлаштириш даражаси қаноатланарсиз ўқувчиларнинг ҳам, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш талаб этилади. Айниқса, тарбияси оғир ўқувчилар билан яқка ҳолда ишлашиб, уларнинг ота-оналари билан доимий алоқада бўлиши зарур. Бундай ўқувчиларларни дарсда ва дарсдан ташқари ишларда ҳуқуқий тарбия орқали тарбиясини ижобий томонга ўзгартириб, уларда қонунларга ҳурмат туйғусини шакллантириш керак. Тарбияси оғир вояга етмаганларга кучайтирилган ҳуқуқий таълим бериш ва тарбиялашга оид махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва қўлланиш лозим [3].

Шунинг билан бирга, ўқувчилар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирокида суҳбатлар, ҳар хил тадбирлар ўтказилиши ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билим даражасининг юксалишига ижобий омил ҳисобланади. Бу тадбирлар ўқувчи ёшларда қонунларга ҳурмат туйғусини шакллантириш ва оширишнинг, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг энг самарадор омилларидан ҳисобланади.

Ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тизимида маҳаллаларнинг ўрни алоҳида. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда «шаҳс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият» принципи бўйича тизимли ва узвий ишлар олиб бориш белгиланган. Маҳаллаларда оилалар орасида «Сиз ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласиз ми?», «Ҳуқуқни билиш оиладан бошланади» ва ҳоказо сингари танловлар ўтказилиб, тарғибот ишлари олиб борилса, вояга етмаганларнинг тарбиясига яхши таъсир кўрсатади.

Ўқувчилар учун ташкил этиладиган тематик кечалар ва саволлар-жавоблар кечалари ҳам ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишнинг таъсирчан шаклидир. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай кечалар уларни тайёрлашда ўсмирларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этган жойларда қизиқарли ўтади. Тематик кечаларни муайян муаммоларга бағишлаш, саволлар, тингловчилар таркибини, шунингдек ҳуқуқшунослар доирасини олдиндан белгилаш мақсадга мувофиқдир [4, 240-б].

Таълим муассасаларида ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қатор ижобий ютуқлари билан бирга камшиликлари ҳам мавжуд. Бугунги кунда ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий билим ва тарбиясини оширишда ҳуқуқ соҳасидаги ўқув қўлланмаларга, услубий қўлланмаларга ва юридик адабиётларга бўлган зарурлик айрим муаммо-



ларни келтириб чиқаради. Шунинг билан бирга, айрим таълим муассасаларида етарли юридик адабиётларнинг мавжудлигига қарамай улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмаётгани ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга салбий таъсирини кўрсатади. Бу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида замонга мос ҳуқуқий адабиётларни яратишни тизимли олиб бориш талаб этилади [5].

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, уларда жамиятга онгли муносабатда бўлиш, она Ватанга садоқат ва қонунларга ҳурмат туйғусида тарбиялаш, халқимизнинг миллий қадриятларини эъзозлаш ҳиссини таркиб топтириш – ҳуқуқий тарбиясининг асоси бўлмоғи лозим. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан дарсдан ташқари ишларда ўқувчилар амалий изланишлари орқали, мустақил ишлаш қобилиятининг такомиллашуви орқали юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишга эришади.

Адабиётлар:

1. «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сонли Фармони // 2023 й., 11.09.
2. Пазылов А, Қосназаров Қ ва б. Педагогика теорияси/ Т.: 2018
- 3.«Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2019 йил 9 январь
4. Таджиханов У, Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси/ Т.: 1998
5. Агарновская Е.В. Правовая культура и обеспечение прав личности/ М.: Наука, 2008